



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 30 июнь, чоршанба

№ 53 (11.648)

Эркин нархда сотилади

Азиз тимсол

2 июль – Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул қилинган кун



Қаҳонч мустақиллигимиз рамзи – Давлат гербига кўзим тушса, 1992 йил 2 июлдаги воқеалар ҳаёлимда гавдаланаверади. Ушанда мамлакатимиз парламенти «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни қабул қилган эди. Халқ ноиблари сессия мажлисида герб тимсолларини ҳар жиҳатдан таърифлаб, улар қадимий ўзбек халқининг бой тарихи, қадриятлари, бугунги ёрқин куни ва буюк келажagini тўла акс эттиришини қандай таърифлашаётганлигини зангори экранлар орқали кузатиб туриб, ҳар бир фуқаро чексиз ҳаяжонга тушганди. Мамлакатимиз парламенти қабул қилган Қонунда Давлат герби мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистонимизнинг рамзи эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан асослаб қўйилган.

Гербимиз кишини маҳлият элади. Уни ҳаёлан бойликлар макони бўлган тоғлар, жўшқин дарёлар сари етаклайди. Давлат гербининг бир томонида бўғдой бошоқлари, бир томонида чаноқлари қўйғос очилган гўза шохларидан иборат чамбар. Ана шу чамбар ўраб турган олтин водий бўйлаб қуёш заррин нур сочиб турибди. Гербнинг устки қисмида саккиз бурчаклик юлдуз, унинг ўртасида ярим ой ва юлдуз чақнаб турибди. Давлат рамзининг марказий қисмида Хумо қушининг тасвири ақс эттирилган. Қанотларини ёйиб турган бу афсонавий қўш мамлакат жўшқин ривожланишнинг рамзи, давлат байроғини эслатувчи чамбар тасмаси гўза ва бўғдой чаноқларини таштириб турибди. Унга «Ўзбекистон» сўзи ёзилган.

Кадим-қадимдан Хумо қуши тимсоли халқимизнинг дostonлари, эртақларида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. У миллатимиз, халқимиз, унинг бой маданий ҳаёти ва анъаналари билан бевосита боғлиқ кетган. Эндилекда Хумо қуши Давлат гербига мустақил тараққиёт йўлига кирган юртимизнинг омад, баҳамжихатлик, куч-қудрат, олижаноблик, озодлик рамзи сифатида муҳраб қўйилган. Унинг тимсолида халқимизнинг бахт, порлоқ тақдир ва давлатлилик орзулари муҳасасалар.

Давлат гербимиз Ўзбекистон халқларининг шон-шарафли, ифтихори ва жўшқин интилишлари ифодасидир, – дейди «Ўзметкомбинат» акциядорлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат қуёвчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдурахмон Абдуразақов. – Гербимиз Ватанимизнинг бетакдор тимсоли бўлиб, қалбларимизда шу азиз юртимиз билан фахрланиш туйғулари кучайтиради.

Бугунги кунда Давлат гербининг тасвири турли муҳралар ва катта-кичик идораларнинг расмий хатқоғозларида, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда акс эттириб келинмоқда. Фуқаролик паспортини қўлига олган ҳар бир ўсмирнинг кўзи мана шу муқаддас рамзга тушади. У навқирон қалбларда шу она заминда яшаб, шу азиз Ватан бағрида ўсиб-ўнаётганидан гурурланиш, унинг мустақил тараққиёти учун масъулият туйғулари кўш урдиради. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бугун Ўзбекистонда яшаб турган ҳар бир шахс мана шу муқаддас Давлат рамзига эҳтиром кўрсатиши, уни азиз билиши қонун билан белгилаб қўйилган.

Биз бахту тахтимиз, шаъни-шавкатимиз тимсоли – Давлатимиз герби билан ҳамиша фахрланамиз!



Тошкент тумани:

Тўққиз кун кифоя қилди

Туман ғаллакорлари давлат эҳтиёжлари учун 5900 тонна дон
топириб, шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

Аслида, туманининг давлатга ғалла соғиш режасини биринчи бўлиб бажарганлиги янгилик эмас. Чунки, доимо биринчилар қаторида бўлиш ушбу туман ғаллакорлари учун анъанага айланган. Аммо бу йилги муваффақиятнинг яна бир қувончли томони бор: режа бор-йўғи тўққиз иш куниде бажарилди. Ҳали вилоятда бирорта туман ғаллакорлари ўрими йилгиде бундай суръатга эришмаганди.

Ғаллакорлар ютуғини таъминлаган икки омилни алоҳида таъкидлаш жоиз. Аввало, ғалла учун ажратилган 2538 гектар майдонда ҳар қачонгиде ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришилди. Иккинчидан, ўрими-йилгиде ишлари бошидан оқилона ташкил этилиб, уюшқоқлик, оммавий сафарбарлик таъминланди. Мавжуд дон комбайнлари тўхтовсиз ва юксак унум билан иш-

лади. Бунда комбайн операторлари, юк машиналари ҳайдовчилари ҳамда мавсумга сафарбар этилган бошқа ёрдамчи кўчларнинг ҳеч нарсасига эҳтиёж сезмай ишлашлари ва вақтида ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Барча ҳўжаликлар туманининг умумий ютуғига ўзининг муносиб улуғини қўшди. Хусусан, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» ва Ф. Умаров номли ширкат ҳўжаликлари режани қисқа муддатда бажариб, ўрими суръатига суръат қўшган бўлсалар, «Тўлабий» ширкат ҳўжалиги 800 тоннадан зиёд, «Тошкент» ҳўжалиги 750 тонна ва С. Раҳимов номли ҳўжалик 670 тонна дони билан туманининг умумий хирмониға барака киритди. Шунингдек, «Ғалаба», «Роҳатой», «Маъмуров» сингари илгор фер-

мер ҳўжаликлари гектарида 50 центнердан ошириб хирмон кўтариб, туман бўйича умумий ҳосилдорлиқнинг 45 центнердан юқори бўлишиға салмоқли улуш қўшдилар.

Туман ҳўжаликларида ғалла ўрими-йилгиде қизгин давом эттирилмоқда. Чунки, етиштирилган мўл ҳосилнинг қарийб 40 фоизи ҳали далада. Эндиги вазифа қолган ҳосилни ҳам қисқа муддатда саранжомлаб олишдир.

СУРАТДА: Охунбобоев номли ширкат ҳўжалигининг илгор пудратчилари Олим Йўлдошев, Шўҳрат Турсунбоев ва «Кейс» оператори Шўҳрат Очлов ўрими давом этаётган майдондаги бўғдой сифатини кўздан кечиришмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

етди. Бу шартнома режасига нисбатан 77 фоизга тенг.

Давлатга дон топириш шартномасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажарган Тошкент ва Зангиота туманларидан сўнг бирийўла туртта туман марраға яқинлашмоқда. Хусусан, Қибрай, Қўйичирчик, Оққўрғон ва Чиноз туманлари ғаллакорлари ҳам бугун-эрта давлат эҳтиёжлари учун дон топириш режасини бажарадилар.

Партиялар ҳаёти Учрашувлар давом этади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши шу йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ташкилий-партиявий, тарбиявот-ташвиқот масалалари юзасидан бир қатор тадбирларини амалга оширди.

Партиянинг бошланғич ташкилотларини тузиш бўйича туман ва шаҳар кенгашларининг барча аъзолари шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар, санаят ва қишлоқ ҳўжалик қорхоналари, муассасалар, кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик тузилмаларида бириктирилиб, жойларда бошланғич партия ташкилотларини ташкил этиш ишларида катнашмоқда, – дейди вилоят кенгаши раиси Орифжон Шарипов. – Асосий эътибор аҳоли гавжум яшайдиган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига қаратилмоқда. Бугунга қелиб вилоятда 300 га яқин бошланғич партия ташкилотлари тузилиб, партия сафига кириш учун қўллаб-қувватловлар аризалар қилиб тушмоқда.

Барча соҳалар бўйича қозғаб муаммоларни ўрганиб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш кенг аҳолини қизиқтираётган бошқа масалалар учрашувларнинг бош мавзуси бўлмоқда.

28 июнь кунин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарларнинг навбатдигиси бўлиб ўтди.

«Сийёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилги сайлов кампаниясида сийёсий одоб доирасида иш тутиш муаммолари» мавзусидаги ушбу семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сийёсий партиялар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари катнашди.

Анжуманни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди. «Парламент сайловида

сийёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш масалалари», «Сийёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари», «Сийёсий партияларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш масалалари», «Депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сайлов кампаниясида тутган ўрни» ҳамда «Сайлов олди кампаниясида депутатликка номзодларнинг сийёсий одоб қоидаларига риоя этиш муаммолари» мавзуларида маърузалар тингланди.

«Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш оқиқ ва ошқора амалга оширилади. Бу нормани сайлов иштирокчиларига тенг имкониятлар яратиб берилишининг кафолатларидан бири, деб тушуниш керак. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов оқруғлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этакдилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сийёсий партияларнинг рўйхати билан таништиридилар. Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунла-

ридан хабардор қиладилар. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлиқнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун 27-моддасининг 2-қисмига мувофиқ депутатликка номзодларга, сийёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Бу масала бўйича Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаси тайёрланмоқда. Йўриқномада мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган даврий нашрлардан бири сайлов-

олди ташвиқот даврида Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзод ҳақида ахборот ёки маълумот берадиган бўлса, ҳудди шундай микдорда ва ҳажмда тегишли округдаги бошқа номзодлар ҳақида ҳам нашрнинг келгуиси сонларида ўша тартибда маълумот бериши назарда тутилмоқда.

Сийёсий партияларнинг, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқариш учун тенг шароит яратилади. Барча сийёсий партиялар ва номзодлар учун радиотаншириш вақти, телекўрсатув давомийлиги бир хил белгиланади, нашрларда улар тўғрисидаги материаллар бир хил микдор ва ҳажмда чоп этилиши таъминланади.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

Суҳбатлар мавзуси кенг

Вилоят давлат солиқ бошқармаси, республика ахборот ва маслаҳат маркази, матбуот хизмати, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Тошкентская правда» газеталари таҳририятининг қўшма қарорига мувофиқ шаҳар ва туманларимизда кенг жамоатчилик, аҳоли ўртасида давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Навбатдаги ана шундай тадбир Юқоричирчик тумани ҳокимлигида ташкил қилинди. «Солиқ сийёсати, солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти» ҳамда «Тинчлик – энг улугъ неъмат» мавзулари кенг қамраб олган давра суҳбатларида тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Туман давлат солиқ идорасининг юридик шахслардан ҳокимларни ундиришни назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Ўткир Жураев тушунларнинг ижтимоий моҳияти, солиқ сийёсати, турлари ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Саид ҲАКИМОВ.

Ишлар бошлаб юборилди

Оҳангарон туманининг «Ақча» бекатидан Ангрен шаҳригача бўлган 7,5 километрик масофага табиий газ қувурлари ўтказиш ишлари бошлаб юборилди.

Шу муносабат билан тумандаги «Азим ота» чойхонасида лойиҳа мутаассадиларининг маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Маҳаллий аҳоли вакиллари иштирокидаги маскур йи-

гинда бошланаётган муҳим ишға оқ йўл тиланди.

Газлаштириш ишларини уч ой ичиде яқунлаш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Олдини олиш мумкин

Бўстонлиқ туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан йод танқислиги касалликларининг олдини олиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман санитария-эпидемиология назорати ходимлари, марказий касалхонанинг оналик ва болалик муҳофазаси бўлими шифокорлари ҳамда саломатлик институти вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда хусусан, эндемик бўқоқ ва кретинизм касалликларининг олдини олишда амалга оширилиши керак

Камол ҒАЙРАТОВ.

«Акмал»нинг ун заводи

Оққўрғон туманида фаолият юритаётган «Акмал» хусусий фирмасининг ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришға ихтисослашган янги заводи иш бошлади.

Завод қўниға 45 тонна бўғдойни қайта ишлаш қувватига эға. Тумандаги қатор ҳўжалик ва фермерлар ўзлари етиштирган янги ҳосилни заводга топширмоқда. Келгусида макорон ва

печенье цехларини ҳам очиш мўлжалланаётган заводда ҳозирча йилгиде беш нафар йиғит-қиз меҳнат қиялти.

Л. СЎВОНОВ,

ЎЗА мухбири.

Хайрия тадбири

Вилоятимизнинг баҳаво гўшасида жойлашган «Қўшли» оромгоҳида Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан келган ўсмирлар ёғи таътилни мароқ билан ўтказишмоқда.

Кейинги йилларда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган бирмунча мураккаб экологик шароитда яшайётган қорақалпоқ ва хоразмлик болаларнинг ёғи таътилини республикамизнинг сўлим жойларида ташкил этишға алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси эса Оролбўйи ҳудудларида истикомат қилувчи болаларнинг ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини назорат қилиш борасида қатор тадбирлар

ни амалга оширмоқда. Жамғарма томонидан «Қўшли» болалар оромгоҳида ташкил этилган навбатдаги хайрия тадбирида мамлакатимизнинг шимоллий-ғарбий ҳудудларидан келган бир юз йилгидан ортиқ ўқувчилар табиий қўриқдан ўтказилиб, улар саломатлигини муҳофазаси қилиш учун инсонпарварлик ёрдами сифатида табиий жиҳозлар, дори-дармонлар топширилди.

Мақсуд АҚРАМОВ,

«Туркистон-пресс».

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Даврон АХМАД олган суратлар.

Босишга топширилди – 18.40.